

## ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИКДА КИЁСИЙ-ТАРИХИЙ ЁНДАШУВ ВА ТАРЖИМА МАСАЛАЛАРИ

Xalilova Gulzodaxon Abduvali qizi

Farg'ona davlat universiteti Lingvistika (ingliz tili)

II bosqich magistranti

gulzodaxalilova97@gmail.com

**Аннотация:** Мазкур мақолада замонавий тилицуносликда киёсий-тарихий ёндашув ва таржима муаммолари хусусида мурохазалар баён қилинади.

**Калим сўзлар:** тил, тил тарраққиёти, лисоний восита, таржима, неологизм, ўзлашма неологизмлар, лексик ўзлашма, семантик ўзлашма, ижтимоий тузум.

Таржима назарияси кейинги пайтларда жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Олимлар таржимашунослик олдида турган долзарб муаммоларни тадқиқ қилиш, шу асосда таржима амалиёти равнақи учун зарур илмий умумлашмалар яратиш ишига чинакамига киришиб кетдилар. Мазкур саъй-харакатлар асосан таржиманинг тадқиқотчилар томонидан нутқ фаолиятининг алоҳида куриниши сифатида тан олинаётгандиги билан чамбарчас боғлик булиб, эндиликда таржима масалалари купроқ тилицунослар эътиборини узига тортиб келмоқда.

Таржима амалиётини том маънода тилицунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш зарурлиги туғрисидаги фикр, аниқроги, таржимашуносликни тилицуносликнинг ажралмас булаги сифатида тан олиш таҳминан ўтган асрнинг 70-йиллари охиригача А.В.Федоров ва унинг издошлари томонидан илгари сурилиб, кўпроқ грамматик холатлар муносабатидан келиб чикиб таржималар сифати тўғрисида хулосалар чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, уша йилларда купчилик тадқиқотчиларнинг эътиборини узига тортган таржимашуносликнинг тилицунослик юналиши ахамиятини асло камситмайди. Бу йўналиш, аксинча, хозирги пайтда «таржима лингвистикаси» деб номланаётган таржиманинг тилицунослик тадқиқининг вужудга келиши учун катта туркум бўлди ва унинг ривожланишига замин яратди. [1, 102]

Таржима назариясини том маънодаги тилицунослик муаммоси таркибиға киритиши жоизлиги тадқиқотнинг коммуникатив нуқтаи назардан олиб борилишини тақозо этади. Коммуникатив муносабат тиллараро муроқот жараёнида иштирок этадиган барча омилларни хисобга олади. У таржима қилинаётган матн таркибида мужассамлашган маълумотлардан ташкари яна ахборот берувчининг матн ташқарисида акс этган муроқот максадини хамда таржимоннинг баён етилган фикрни тўғри қабул қилиш учун зарурий маълумот, билим ва малакага эга булишини хам назарда тутадики, мазкур омиллар таржима тилида тенг қийматли коммуникатив таъсирчанлик яратиш имкониятини беради. Таржима жараёнига бундай муносабат таржима назариясини лингвистик тадқиқотнинг алоҳида мустақил соҳаси сифатида ажратиш жоизлигини белгилайди. “Кенг тарқалган тиллараро коммуникация амалиёти, хусусан таржима фаолияти тилицунослик фанининг доимий кузатувида булиши лозим” деб ёзган эди Р.Якобсон. Шундай қилиб, янги-таржиманинг тилицунослик фани таркибида тадқиқ килиниши лозимлиги хақидаги нуқтаи назар вужудга келдики, таржима амалиётини тадқиқ қилиш шу йўл

# INTEGRATION OF PRAGMALINGUISTICS, FUNCTIONAL TRANSLATION STUDIES AND LANGUAGE TEACHING PROCESSES

билин олиб борилгандагина тилшуносликнинг айни тармоги купроқ тараққии этади, такомиллашади.

Лингвистик таржима назариясининг афзалиги шундан иборатки, у таржима амалиётининг ижодий хусусиятини эътироф этгани ва унинг бой тажрибасига таянгани ҳолда, лисоний-услубий далиллар асосида асар матнининг қиёсланаётган тиллардаги нутқий тузилишини онгли равишда илмий таҳлил этади ва шу асосда муайян танланган таржимавий варианнтнинг айни ҳолат учун мақбул ёхуд номақбуллигини холисона исбот қиласди. Мазкур назария шу хусусияти билан илгари хукм сурган айрим ноаниқ, купинча тил далиллари билан боғланмаган, яъни таржималарнинг адекватлиги ёки ноадекватлиги тўғрисида қуруқ, аксарият холларда субъектив мушохада ва мухокамалар юритган назариялардан фарқ қиласди. Бундай тадқиқот ўз олдига қиёсланаётган тиллар таркибидаги алоҳида унсурларнинг бир-бирларига мос келиш ёки келмаслик ҳолатларини муайян қилиш асосида умумий таржима назарияси учун зарур қонуниятларни ишлаб чиқиш вазифасини қўядики, бу ҳол пировардида таржимавий мувофиқликнинг яхлит тизимин вужудга келтиради. [4, 32]

Умуман олганда ҳозирги пайтда таржима муаммоларини лингвистик тадқиқ қилиш сифат жиҳатидан янги боскичга қадам қўймоқда. Бундай тадқиқот тилшуносликнинг таркибий қисми бўлмиш таржимашунослик фанининг лисоний таҳлилнинг янги соҳаси эканлигини, унинг ҳозирги замон умумлисоний муаммо асосида ривожланиши зарурлигини кўрсатади. Аслиятнинг коммуникатив тенг қийматлилигини рўёбга чиқариш нафақат нарса ва ходисалар тўғрисида ахборот берувчи нутқ воситаларининг моддий-мантикий маъноларини ҳамда уларнинг хиссий-таъсирчан ва образли-услубий жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган мажозий вазифаларини тўғри талқин қилишни, балки фикрнинг тил ифодаси билан мuloқот иштирокчилари уртасидаги муносабатини белгилайдиган прагматик аспектини ҳам назарда тутишни талаб қиласди.

Таржима амалиётини тадқиқ қилишнинг юқори натижали усули сифатида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўзининг самарадорлигини исбот қилаётган лингвистик таҳлил икки тил нутқий воситаларининг ўзига хос хусусиятларини доимо қиёслай бориш билан чамбарчас боғлиқdir. Зеро, сунгги йилларда турли-туман мактаб ва юналишлар вакиллари эътиборини ўзига купроқ тортиб келаётган жиҳат-тилларни қиёсий ўрганиш йўли билан тадқиқ қилинаётган тиллар ходисаларининг моҳиятини очиб бериш орқали қиёсланаётган тиллардаги муайян семантик-стилистик хусусиятларнинг ўзига хос томонларини ойдинлаштиришдан иборатdir. [5, 76]

Маълумки, ҳар бир тил ўз тизимида барча боскичларида бекиёс хусусиятларга эга. Бинобарин, турли жуфт тиллар орасидаги ўзига хос хусусиятларни муайян қилиш таржима назарияси ва амалиёти учун каттга аҳамият касб этади. Чунки уларнинг тизимлари орасидаги қонуний мувофиқлик ва тафовутларни аниқлаш турли даражадаги бадиий-тасвирий воситаларнинг бир тилдан иккинчи тилга таржимаси қонуниятларини белгилаш имкониятни беради. Бундай ҳолда икки тил тизимининг алоҳида бўғинларини қиёсий ўрганиш - уларнинг белгилари тизими орасидаги денотатив коннотатив ва услубий мувофиқликларни муайян қилиш, мазмунни ва прагматик мувофиқлик даражаларини аниқлаш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Табиийки, бундай пайтда тил тизимининг алоҳида унсурлари даражаларидаги эквивалентлик эмас, балки бадиий ифода таркибида ўз аксини топган мазмуний-услубий, хиссий-таъсирчан ва прагматик вазифалар уйғунлиги асос қилиб олинади. [6, 145]

# INTEGRATION OF PRAGMALINGUISTICS, FUNCTIONAL TRANSLATION STUDIES AND LANGUAGE TEACHING PROCESSES

Тиллараро мулокотнинг алоҳида тури бўлмиш таржима турли тиллар матнларининг мазмунан тенг қийматлилигини тақозо этади. Аслият ва таржима матнлари мазмунининг узаро мос келиши зарурлиги эквивалентликни таржиманинг асосий шарти сифатида тан олишини талаб қиласди. Бунда “эквивалентлик” тушунчаси “яхши”, “сифатли”, “бежирим” таржимани англатади. Аммо эквивалентлик, ана шу маънода яна ишлатиладиган “адекватлик”, “тұлақонлилық” тушунчалари хар доим ҳам амалий нұқтаи назардан ўзини оқтайвермайды. Алоҳида сўз ёки ибора гаржимасига нисбатан мумкин бўлган эквивалентлик шундай майдан унсурлардан ташкил топган матн таржимаси мисолида ўзини оқлаш қийин. Зеро, матндан ажратиб олинган муайян лисоний унсурнинг яхши ёки ёмон талқин этилгани бутун бошли матн хақида тугал фикр баён қилиш имкониятини бермайды. Бас шундай экан, эквивалентлик (адекватлик, тұлақонлилық) алоҳида бирликлар асосида мумкин бўлгани ҳолда, катта матнлар мисолида аксарият ҳолларда имкон доирасига сигмайды. Асар таржимасининг тұлақонли амалга оширилиши хақидаги фикр китобхоннинг ҳам, таржимоннинг ҳам орзуси, холос. Нафакат кенг жамоатчилик, балки мутахассислар томонидан яхши баҳоланган асар таржимаси ҳам тұла-токъисликка даъво қила олмайды.

Бундай асарни тұлақонли таржима қилиб бўлмас экан-да, деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Бутун бошли асарни тұлақонли таржима қилиш унга мураккаб ижодий жараён бўлса-да, уни уддалаш амалий жиҳатдан мумкин. Бу масъулият таржимондан ҳар томонлама чукур билим ва талант сохиби ҳамда сабр-токатли ижодкор бўлишни талаб қиласди. Зеро, ҳар қандай тил ҳар қандай лисоний ҳамда гайрилисоний омилларни тасвирлаш лаёқатига эга. [2, 97]

Иккى тил восигаларини нутқий даражада қиёслаш таржима назарияси ва амалиёти учун алоҳида аҳамият қасб этади. Чунки мазкур жараён иккى тил нутқий ифодалари орасидаги муносабатни белгилаш имкониятини беради. Шунинг учун ҳам таржима нутқий мулокотнинг алоҳида тури ҳисобланади. Бундай пайтда шуни назарда тутмоқ керакки, таржимавий қиёс типларнинг бошқа хил қиёсий тадқиқотларидан бир мунча фарқ қиласди. Жумладан, у тилларнинг оддий структуравий қиёсидан, яъни соф лингвистик қиёсий тадқиқотдан шу хусусийти билан фарқ қиласди, таржимавий қиёсда тиллар тизимлари унсурларининг моддий жиҳатдан узаро мос келиш-келмасликлари еътиборга олинмайды, балки қиёсланаётган тиллар воситаларининг бадий-тасвирий, вазифавий-услубий ва прагматик жиҳатлардан ўзаро мос келиши ёки тафовут қилиши асос қилиб олинади. Шундай қилиб, тилларнинг структуравий-қиёсий тадқиқоти таржимавий қиёснинг бошлаигич нұктаси ҳисобланади. У қиёсланаётган тиллардаги айрим жиҳатларнинг ухшаш ёки фарқланувчи томонларини кўрсатгани ҳолда, таржимавий қонуниятлар яратиш учун бой материал берадики, яратилган қонуниятлар муайян контекстларда муайян нутқий воситаларни ўзга тилга талкин қилишнинг имконий йўлларини белгилаб беради. [3, 58]

Шундай қилиб, асл нусха ва таржима тиллари ходисаларини лисоний-услубий жиҳатдан қиёсий ўрганиш таржимонга мазкур тиллар орасидаги ўхшашлик ва фарқланишнинг умумий қонуниятларини муайян қилиш учун кенг имконият туғдиради. Мавжуд қонуниятларни узлаштириш лисоний воситаларнинг муайян матний ҳолатлардаги урнини холисона баҳолаш, уларнинг наинки тилда, балки нутқий жараёнда ҳам намоён бўладиган хиссий-таъсирчан ва образли хусусиятларини ҳисобга олиш имкониятини беради. Бундай ёндашув пировардида асл нусхага прагматик жиҳатдан мос, коммуникатив жиҳатдан тенг қийматли таржималар яратиш йўлларини очиб беради.

# INTEGRATION OF PRAGMALINGUISTICS, FUNCTIONAL TRANSLATION STUDIES AND LANGUAGE TEACHING PROCESSES

## Адабиётлар:

1. Кайе, П. Ф. (1980). Қутлуг мақсадга камарбаста // Таржима санъати (мақолалар тўплами, 5-китоб). – Т.:Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
2. См.: Левый, И. (1974). Состояние теоретической мысли в области перевода // Искусство перевода. – М.: Издательство «Прогресс», 1974. (Перевод с чешского и предисловие Вл. Россельса).
3. Жўраев, К. (2002). Қиёсий адабиётшунослик сарвари // Fайбуллоҳ аСалом замондошлари хотирасида. Тошкент ислом университети.
4. Саломов, F.( 1973) Муқаддима ўрнида // Таржима санъати (мақолалар тўплами, 2-китоб). Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр.
5. Сафаров, О. (2018). XX аср таржимашунослиги ва таржима тўпдами // Ўзбекистон таржимашунослари форуми (илмий мақолалар тўплами).
6. Тоҳирбоев, Б. Х. (1980) ўғли. Таржимашунослик фанининг назарий илдизлари // Таржима санъати (мақолалар тўплами, 5-китоб). Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.
7. Умиров, С. (1999). Мавлоно Fайбуллоҳ ас-Салом. Мулоқот.